QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ NÓKIS QALASI HÁKIMINÍN SHESHIMI

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI NUKUS SHAHAR HOKIMI QARORI

Nókis qalası, A.Dosnazarov kóshesi, 96 **Nukus shahri, A.Dosnazarov ko'chasi, 96**

2022 - yil 28 - fevral 69-13-195-Q/22 Nókis qalası hákimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-февралдаги "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги ПК-140-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 26-февралдаги 108-13-0-Q/22-сонли қарорлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш даврида чақирув ёшидаги фуқароларга қулай шароитлар яратиш мақсадида, Нукус шахар хокими

ҚАРОР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш хамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги ПК-140-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 26 февралдаги 108-13-0-Q/22-сонли қарорлари ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2022 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши;

- муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақирув резервига олиниши белгиланганлиги;

б) муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2022 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4630-сонли Қарорига мувофиқ 1-иловага асосан 2022 йилги муддатли ҳарбий, сафарбарлик чақируви резерви хизматига сифатли юбориш бўйича тадбирлар-режаси, 2-иловага асосан "Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳузурида Қуролли Кучларни бутлаш комиссияси" таркиби 3-

иловага асосан “Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳудудий комиссияси” ва 4-иловага асосан “Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳудудий тиббий комиссияси” 5-иловага асосан чақирув участкасига, чақирилувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун 2022 йил 1 мартдан 2022 йил 30 апрелигача техник ходимлар ажратадиган корхоналар рўйхати тасдиқлансин;

- Бутлаш комиссиясининг асосий вазифалари этиб:

муддатли ҳарбий хизматга юбориш учун тавсия этилган ва ҳудудий тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчилар билан суҳбат ўтказиш, соғлиги даражаси, жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қўшин турларига тайинлаш бўйича қарор қабул қилиш;

қабул қилинган қарорларни чақирилувчилар йиғма жилдидаги тегишли саҳифага белгиланган тартибда расмийлаштириш ва имзолаш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишларининг ошкоралиги ва холислигини таъминлаш;

жойлардаги тегишли идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларининг чақирилувчиларни йиғиш ва уларни тантанали равишда ҳарбий қисмларга юбориш бўйича тадбирларни ўтказишда ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш:

чақирилувчилар, уларнинг ота-оналарининг чақирувга оид мурожатлари ўз вақтида кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш:

4. Шаҳар ҳудудий комиссияси раиси (А.Пиржанов)га:

Чақирув ёшидаги фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини ташкил этиш;

чақирилувчиларни сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-рухий фазилатларини ва интелектуал ривожланиш савиясини қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини ва чақирув комиссия аъзоларининг самарали ишлашини ташкил қилиш;

ҳудудий комиссияси аъзоларига зарур шарт-шароитлар яратишни ташкил этиш;

шаҳар чақирув пунктини ўқув машғулотлари ва чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш жойларини тайёрлаш ва уларни ўз вақтида жиҳозлашни ташкил этиш;

шаҳар чақирув пунктида умумий овқатланиш ва маданий хордик чиқариш шарт-шароитларини ташкил этиш;

Нукус шаҳар мудофаа ишлар бўлими бошлиғи, маданият ва спорт ишлари мудири, Нуроний жамғармаси, Ёшлар Иттифоқи шахар кенгаши, маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматга кўзатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари иштирокида тантанали равишда ўтказалишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш муддатли ҳарбий хизматга кўзатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни уларнинг ота – оналари хаётида унитилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-аҳлокий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши топширилсин.

2022 йил май ойигача ўтказилган чақирув якуни буйича, чуқур тахлил қилсин ва Республика раҳбарият кенгашига ҳисобот берилсин;

5. Шаҳар прокурори (М.Тлеумуратов)га:

чақирувдан бош тортаётган фуқароларга нисбатан қонуний чоралар кўриш тавсия этилсин.

6. Шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Х.Очилов)га:

Умумий ҳарбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисидаги қонунининг 45-моддасига асосан, мудофаа ишлар бўлими бошлиғининг тақдим этган рўйхатларига биноан чақирув участкасига ўз вақтида келмаган фуқароларни олиб келинишини юз фоизга таъминлаш;

шаҳар чақирув пунктида жамоат тартибини сақлаш чораларини кўриш;

харакат хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан чақирилувчиларни Республика йиғин пунктига олиб бориш ва олиб кетиш даврида йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш;

жиноий жавобгарликга тортилган ва тергов ишлари олиб борилаётган, диний оқимлар хисобида турган чақирилувчиларнинг рўйхатини мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатда таъминлаб бериш;

7. Шаҳар Тиббиёт бирлашмаси (Ж.Тарихов)га:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрел кунидан имзоланган 3147-сонли қўшма қарорига асосан чақирув участкасини тиббий анжомлар, асбоб ускуналар билан талаб даражасида жиҳозлаш, шунингдек тиббий комиссияларининг самарали ишлаши, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан сифатли ва холисона ўтказилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва бажарилишини қатъий назоратга олинсин;

чақирилувчиларни тиббий кўрикдан талаб даражасида ўтказиш мақсадида чақирув участкасини олий ва биринчи тоифали тиббиёт ходимлари билан таъминлансин;

шаҳар чақирув пунктини керакли тиббиёт асбоб-ускуналари ЭКГ ва дори-дармонлар билан етарли даражада таъминлаш;

руҳий кассаликлар, туберкулёзга қарши, тери-таносил ва гиёхвандлик тиббий бирлашмаларида ҳисобда турган чақирилувчиларнинг руйхатини мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатда таъминлаб бериш;

тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида касаллиги аниқланган чақирилувчи ёшларни ўз вақтида даволаш ва соғломлаштириш ишларини амалга ошириш учун шаҳар шифохонасидан 7-10 та ётоқ-жой ажратилиши таъминлансин;

тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида касаллиги аниқланган чақирилувчи ёшларни ўз вақтида даволаш ва соғломлаштириш ишларини амалга ошириш топширилсин.

тиббий кўрикдан ўтказиш учун жалб қилинган барча тиббиёт ходимларининг ойлик маошларига кетадиган сарф-харажатларни маҳаллий бюджет ҳисобидан тўлаш;

8. Шаҳар Халқ таълими бўлими (П.Акназаров)га:

чақирилувчиларнинг маънавий ва руҳий холатларини аниқлаш ҳамда муддатли ҳарбий хизматга руҳий камчилиги бўлган чақирилувчиларнинг юборилишини олдини олиш мақсадида шаҳар чақирув пункти тиббий кўригида иштирок этиш учун малакали психолог мутахассис ажратиш топширилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги (С.Сапаров)га:

ҳарбий қисмларга юбориладиган чақирилувчиларни белгиланган манзилга етказиб қўйиш учун

шаҳар мудофаа ишлари бўлими билан икки томонлама тузилган шартномага асосан автотранспорт ажратиш вазифаси топширилсин.

10. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (М.Мнажов)га:

Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин, улар учун хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фукаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдиндан тайёрлаб қўйилиши таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясини армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва хаётий тажриба оширган, мамлакатнинг энг фаъол ва тайёргарлик кўрган кадрлар заҳираси ҳисобланган шахслар сифатида устунлик ҳуқуқидан фойдаланиши белгилаб қуйилганлигини инобатга олсинлар.

11. **Нукус шаҳар электр таъминоти корхонаси** (**Ю**.**Раджапова**) **ва Нукус шаҳар газ таъминоти участкаси** (**К.Отегенов**)**ларга**, чақирув пунктида чақирув мавсумини сифатли ўтказиш мақсадида электр энергия ва газ таъминотининг узлуксизлигини таъминласинлар.

12. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати (Э.Сагалатдинова)га:

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш ва кўзатиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар хокимининг ўринбосари А.Пиржанов зиммасига юклатилсин.

Hákim **U.Panaev**

Nókis shahar hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
69-13-195-Q/22-son qaroriga
1-ilova

2022 йилги муддатли ҳарбий, сафарбарлик чақируви резерви хизматга сифатли юбориш бўйича
ТАДБИРЛАР-РЕЖАСИ

т/р	Тадбирлар	Бажарилиш муддати	Масъуллар
1	Шаҳар чақирув пунктини навбатдаги 2022 йилдаги муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига тайёрлаш	2022 йил 10 февралгача	Чақирув комиссияси раиси
	Чақирувдан олдин чақирув комиссия аъзолари, тиббий комиссиялар таркиби ва тегишли муассаса раҳбарлари билан чақирувни ўтказиш масалалари бўйича бир кўнлик методик машғулотлар ўтказилсин.	2022 йил февраль ойи	Чақирув комиссияси раиси
2	Шаҳар чақирув пунктини табиий газ, сув ва электр манбаи билан доимий равишда таъминлаб тўриш	март -апрел	ОАО «Электртармоқлари», Сув ва Газ раҳбарлари
	Шаҳар чақирув пунктини алока воситалари, дори-дармонлар, тиббиёт ва хўжалик мол-мулки, автомобил транспорти, техник ходимлар ҳамда керакли асбоб ускуналар билан таъминлаш.	2022 йил февраль ойи	Шаҳар ташкилот муассасалар бошлиқлари
	Маҳала фуқоролар йиғинлари томонидан чақирилувчиларни чақирув пунктларига чақирув қоғозларига асосан 100 фоиз чақириб беришларини назоратга олиш	Чақирув даврида	Маҳалла фуқоролар йиғин раислари
	Чақирилувчиларни шаҳар чақирув участкасидан Республика йиғув пунктига ва ортга автоулов билан таъминлаш ва йўл харакати хавфсизлигини йўл патрул хизмати ходимлари кўзатувида харакатланишини таъминлаш.	Чақирув даврида	Шаҳар АА «ККтранс», Ички ишлар бўлими
	Шаҳар чақирув пунктини инфрастуктурасини ва ҳудудини совуқ даврини ҳисобга олган ҳолда чақирувдан олдин таъминлаш.	2022 йил февраль ойи	Шаҳар ташкилот муассасалар бошликлари
	Чақирув даврида чақирилувчилар ва уларнинг ота оналари билан тарғибот ва ташвиқот ишларини ва уларга Ўзбекистон Республикасининг чақирувга боғлиқ бўлган Қонун ва қарорларини моҳиятини доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бориш	Чақирув даврида	Шаҳар ЕИХ камолат харакати Кенгашини раиси
3	Чақирув даврида кенг қамровли, Ўзбекистон Республикасининг чақирувга боғлик бўлган Қонун, Қарорлар ва Мудофаа вазирининг буйруғларини моҳиятини доимий равишда ёшлар ўртасида телевидиния ва радио орқали тушунтириш ишларини олиб бориш.	Чақирув даврида	Шаҳар матбуот ва ахборот агентлиги
4	Газета ва журналлар орқали чақирилувчилар учун муддатли ҳарбий ва сафарбарлик чақируви резерви хизматига чақириш учун кутиладиган синовлар, имтихонлардан ўтиш лозимлиги ва муддатли ҳарбий хизматдан кейин қандай имтиёзлар берилиши хақида кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.	Чақирув даврида	Шаҳар матбуот ва ахборот агентлиги
	Шаҳар мудофаа ишлари бўлимига Суд, ички ишлар ва прокуратура бўлимларидан Қонунбузарлик бўйича ҳисобда турган ҳамда судланган чақирувчиларнинг рўйхатларини тақдим қилиш.	2022 йил февраль ойи	Суд, прокуратура, ички ишлар бўлими

5	Шаҳар чақирув пунктини жамоат тартибини сақлаш ишларини олиб бориш.	Чақирув даврида	Ички ишлар бўлими
	Бош тортган ҳамда сабабсиз келмаган чақирилувчиларни чақирув пунктига, шаҳар мудофаа ишлари бўлими рўйхатига асосан 100 фоиз чақириб беришини таъминлаш	Чақирув даврида	Ички ишлар бўлими
	Шаҳар марказий шифохонасига соғлиги бўйича шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан йўлланма билан юборилган чақирувчиларни ўз вақтида даволаш ишларини олиб бориш.	Чақирув даврида	Марказий шифохона бош шифокори
	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрел кунидан имзоланган 3147-сонли қўшма қарорига асосан шаҳар чақирув пунктини дори-дармонлар, тиббиёт ва хўжалик мол-мулки, ҳамда олий ва 1-тоифали шифокор мутахассислар билан таъминлаш.	2022 йил февраль ойи	Марказий шифохона бош шифокори
6	Тиббий комиссияси таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларни мутахассислиги, малакаси, тажрибаси бўлган тиббий ходимлар билан таъминлаш. Чақирилувчиларни тиббий кўрик ўтказиш жараёнида адолатлилик ва ҳолисликни таъминлаш учун тиббий комиссия шифокорларни масулиятини ошириш.	Доимий равишда	Марказий шифохона бош шифокори
	Шаҳар мудофаа ишлари бўлимига даволаш муассасаси ҳамда диспанцерида соглиги ўйича ҳисобда турган чақирувчиларнинг руйхатларини тақдим қилиш.	2022 йил февраль ойи	Марказий шифохона бош шифокори
7	Коллеж ва лицейларни битирган ёшларга Республикамизда ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган ҳарбий соҳага оид Қонун ва Қонун ости ҳужжатлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш.	Доимий равишда	Шаҳар ЕИХ камолат харакати Кенгашини раиси
8	2021 йил муддатли ҳарбий хизматга таёргарлик кўриш ва ўтказиш ишларини назоратини олиб бориш.	Доимий равишда	Ҳудудий комиссия раиси
9	Юқорида кўрсатилган ишлар юзасидан чиқарилган Қарор ва буйруғ нусхаларини Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига тақдим қилинсин.	2022 йил февраль ойи	Ҳудудий комиссия раиси

Nókis shahar hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
69-13-195-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳузуридаги Қуролли Кучларни бутлаш комиссияси

Т А Р К И Б И

1.Ф.Мухиддинов	-	Шимолий - Ғарбий ҳарбий округи маъсул ходими, комиссия раиси
2.А.Тлеумуратов	-	Нукус шаҳар ички ишлар органларини фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
3.Ж.Тураев	-	Фавқулодда вазиятлар бошқармаси маъсул ходими
4.Р.Умаров	-	9202 ҳарбий қисм маъсул ходими
5.А.Джуманиязов	-	Миллий гвардия ҚР бўйича бошқармаси маъсул ходими

Nókis shahar hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
69-13-195-Q/22-son qaroriga
3-ilova

Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳузуридаги худудий комиссияси

Т А Р К И Б И

1.	А.Пиржанов	-	Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси
2.	С. Ахмедов	-	Шахар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари
3.	А.Тлеумуратов	-	Нукус шаҳар ички ишлар органларини фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
4.	Б.Жаксымуратова	-	Шаҳар махалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари
5.	Қ. Салиева	-	Шаҳар тиббиёт бирлашмаси куп тармокли поликлиника шифокори, шахар тиббий комиссияси бош шифокори
6.	Н .Сейдабуллаев	-	Шаҳр мудофаа ишлари бўлими чақирув бўлинмаси бошлиғининг ёрдамчиси, комиссия котиби

Nókis shahar hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
69-13-195-Q/22-son qaroriga
4-ilova

Нукус шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳузуридаги ҳудудий тибий комиссияси

Т А Р К И Б И

1.	Салиева Кымбат	-	Олий тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг кардиолог шифокори. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
2.	Раимов Есберген	-	1-тоифали жарроҳ. Шаҳар тиббий комиссиясининг шифокори, шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
3	Бекимбетова Дина Генжабаевна	-	Олий тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг асаб касалликлари шифокори. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
4	Косназарова Гулзор Асаматдиновна	-	Олий тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг кўз шифокори. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
5.	Уснатдинова Гулнар	-	1-тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг тери ва венерик касалликлари шифокори Республика тери ва венерик касалликлар диспансери шифокори.
6.	Сапарниязов Сатнияз	-	1-тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг тиш шифокори. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
7.	Наурызбаева Гулбахар	-	Олий тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг қулок-бурун шифокори Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
8.	Серимбетов Шодимурот	-	Олий тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг ренгенолог шифокори Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
9.	Досназарова Дилорам	-	1-тоифали шаҳар тиббий комиссиясининг УЗИ шифокори. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.
10.	Реймов Анвар	-	2-тоифали Шаҳар тиббий комиссиясининг ФГДЭС шифокори. Шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори.

Nókis shahar hokimining
2022 yil 28 fevraldagi
69-13-195-Q/22-son qaroriga
5-ilova

Чақирув участкасига, чақирилувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун 2022 йил 1 мартдан 2022 йил 30 апрелигача техник ходимлар ажратадиган корхоналар
РЎЙХАТИ

Поликлиника № 1	-1 ходим
Поликлиника № 2	-1 ходим
Поликлиника № 3	-1 ходим
Поликлиника № 7	-1 ходим
Поликлиника № 5	-1 ходим
Поликлиника № 9	-1 ходим
ҚР Халмуратов номидаги кўп тармоқли шифохонаси	-1 ходим
Ажинияз номидаги Нукус Давлат педагогика институти	-1 ходим
Республика тери-таносил касалликлари диспансери	-1 ходим
ҚР қон қўйиш маркази	-1 ходим
ҚР болалар шифохонаси	-1 ходим
"Ўзтелеком" Қорақалпоғистон филиали	-1 ходим
Қорақалпоқ дон махсулотлари УК	-1 ходим
Республика кўз касалликлари шифохонаси	-1 ходим
Республика туберкулёзга қарши кураш диспансери	-1 ходим
Қорақолпоғистон Республикаси Телерадиокампанияси	-1 ходим
Қорақалпоқ давлат қуғирчоқ театри	-1 ходим
Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри	-1 ходим
Нукус шаҳар газ таъминот	-1 ходим
Қорақолпоғистон Республикаси ЭЛУП	-1 ходим
Орол бўйи делта бошқармаси	-1 ходим
Республика фтизиатрия болалар санаторияси	-1 ходим
Республика юқумли касалликлари шифохонаси	-1 ходим
Республика кўз касалликлари шифохонаси	-1 ходим
Республика эндокринология диспансери	-1 ходим
Республика ОИТС га қарши кураш маркази	-1 ходим